

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

ТАШАББУС

“МАҲАЛЛАДА

ОБОДЛИК ВА

МЕХР-САХОВАТ

ОЙЛИГИ”

ЎТКАЗИЛАДИ

Энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз Мустақиллигининг 35 йиллигини маҳаллаларда кўтаринки руҳда ўтказиш учун “Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги” эълон қилинди. Бу — мамлакатимизда маҳалла ҳаётини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим умуммиллий ташаббусдир.

Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйлаётган мазкур ҳаракат маҳаллаларнинг қиёфасини ўзгартириш, аҳоли учун муносиб яшаш муҳитини яратиш, одамларни эзгу мақсад атрофида бирлаштиришга хизмат қилади. Энг муҳими, бу бир ойлик тadbир сифатида эмас, балки йил давомида изчил давом этадиган умуммиллий ҳаракатга айлантирилади.

Барча ҳудудларда бўлгани сингари Самарқанд вилоятида ҳам ушбу ойликни юқори савияда ташкил этиш учун барча имкониятлар мавжуд. Вилоятнинг ҳар бир маҳалласи ўзининг тарихий мероси, меҳмондўстлиги ва хашар анъаналари билан алоҳида ажралиб туради. Ана шу бой тажриба замонавий ёндашув билан уйғунлаштирилса, маҳаллалар ҳақиқий намунали ҳудудга айланади.



“Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги” доирасида вилоят ҳокими, унинг ўринбосарлари ҳамда вилоят ташкилотлари раҳбарлари биттадан туманни, туман ва шаҳарлардаги масъуллар эса биттадан маҳаллани бириктириб олади. Бир ой давомида озодалик ва ободонлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар ташкил этилади.

Давоми 2-саҳифада.



МАҲАЛЛА —

ХАЛҚҚА ЭНГ ЯҚИН

БОШҚАРУВ БЎҒИНИ

Одамларнинг кундалик масалалари

ШУ ЕРНИНГ ЎЗИДА, ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИКСИЗ

ҳал бўлиши керак

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида маҳаллаларга янги муҳит олиб кириш ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятини янгича ташкил қилиш бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Лавлатимиз раҳбари бу йил инфратузилмани яхшилаш, одамлар ва тadbиркорлар учун шароит яратиш мақсадида туманларга ўртача

250 миллиард сўмдан, маҳаллаларга эса 5,5 миллиард сўмдан маблағ берилганини таъкидлади. Туман ҳокимлари ва маҳалла раисларининг тушум бўйича ваколатлари кенгайтирилгани натижасида ҳудудда

қоладиган қўшимча даромад 2 баробаргача кўпайди. Туманларда ўртача 22 миллиард сўмдан қўшимча маблағ қолди, маҳалла бюджетига эса ўртача 150-200 миллион сўм тушди.

— Лунда айтганда, ҳудуддаги масалаларни ҳал қилиш учун ҳокимда ҳам, маҳалла раисидида ҳам, умуман, “еттилик”нинг ҳар бир вакилида ресурс ва ваколат бор. Етишмаётган жиҳат — масъулият ва ташаббускорлик, — деди Президентимиз.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ

СОНДА:

Ҳунари бор аёлнинг ҳаёти завқли, оиласи хотиржам

Меҳнат — тарбиянинг энг муҳим мезони. Шу боис қадимдан бувиларимиз набираларини кичик-кичик юмушларга жалб қилиб, уларда масъулият, сабр ва бардош каби фазилатларни шакллантиришга ҳаракат қилган.

4-с.

Ҳеч бир муваффақият тасодиф бўлмайди

“Маҳалламизда улғаяётган ёшларнинг орзулари чегара билмайди. Муваффақиятга эришган ёшлар ортидан бошқаларни ҳам эргаштириб, уларга ҳунар ўргатишни, иш беришни ўз олдига мақсад қилмокда. Икконият ҳаммага бирдек берилади. Фақат кимдир ундан фойдаланади, кимдир эса қузатувчи бўлиб қолади”.

5-с.

Оғир ҳаётӣ вазиятдаги оилалар манзилли кўмакдан баҳраманд

“Болалигимдан кўмакка муҳтож одамларга ёрдам беришга ошиқардим. Сабаби, оилада бизга шундай тарбия берилган. Дадам доим “қўлингдан келганча яхшилиқ қил”, деб уқтирарди. Йиллар ўтиб, айна шу фазилат касби коримга айланди”.

6-с.



Спорт майдонида ҳам

маҳаллалар пешқадам

Маҳаллаларда истиқомат қилувчи 30 ёшдан юқори аҳоли вакиллари ўртасида ўтказилган “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасидаги “Маҳалла лигаси” спорт мусобақаларининг ҳудудий финал босқичлари юқори савияда ўтказилди.

Бухоро шаҳридаги “Универсал” спорт мажмуасида “Маҳалла лигаси”нинг вилоят босқичи ҳамда ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мусобақалар спортнинг етти тури — шашка, шахмат, воркаут, стол тенниси, стритбол, волейбол ва мини

футбол бўйича ташкил этилди. Қизгин ва муросасиз баҳсларга бой ўтган беллашувлар якунида ғолиб ҳамда совриндор жамоалар ва спортчилар аниқланди. Уларга медаллар, дипломлар, эсдалик совғалари ва рамзий кубоклар тантанали равишда топширилди.

Жиззах вилоятида ҳам мусобақаларнинг ҳудудий босқичи юқори савияда ташкил этилди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган иштирокчилар спортнинг турли йўналишлари бўйича ўзаро куч синашди. Икки кун давом этган баҳслар иштирокчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, матонати ва ғалабага бўлган интилишини яна бир бор намоён этди. Мусобақалар якунида ғолиб ва совриндорлар дипломлар, қимматбаҳо совғалар ҳамда кубоклар билан тақдирланди.

ҚИЙИНЧИЛИК

ҚОНУНЛАРНИ

БИЛМАСЛИКДАН

ТУГИЛАДИ

7-с.



ЖИНОЯТЛАР

ИЛМӢ ЁНДАШУВ

АСОСИДА

ЖИЛОВЛАНЯПТИ

8-с.

200 ТА МАҲАЛЛАГА
2 МИЛЛИАРД
ЎМДАН МУКОФОТ!

Йил давомида энг кўп тадбиркорларни рўйхатга олган, энг кўп янги иш ўрни яратган, тушум даражаси энг юқори бўлган ва энг кўп қўшимча солиқ базаси топган 200 та маҳаллага 2 миллиард сўмдан мукофот берилади.

2

Mahalla

№57

2026 йил
18 июль,
ШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ —
ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

КУН НАФАСИ

МАҲАЛЛА — ХАЛҚҚА ЭНГ ЯҚИН БОШҚАРУВ БЎҒИНИ

Одамларнинг кундалик масалалари шу ернинг ўзида,
ортиқча оворагарчиликсиз ҳал бўлиши керак

МАҲАЛЛАДА ИШНИ
ТЎҒРИ ТАШКИЛ ҚИЛМАГАН
152 НАФАР РАҲБАР
ИШДАН ОЛИНДИ

Тахлиллар айрим маҳаллаларда муаммолар вақтида ҳал этилмаётганини кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўзида Халқ қабулхоналари орқали 87 та маҳалланинг ҳар бирдан 200 дан ортиқ мурожаат келиб тушган.

Шунингдек, “Ташаббусли бюджет” дастури доирасида бу йил 7,5 триллион сўм ажратилган бўлса-да, 2 минг 136 та маҳаллада бирорта лойиҳа ғолиб чиқмаган. Давлатимиз раҳбари маҳалладаги ҳамжихатлик, дахлдорлик ва ташаббускорлик айнан шундай амалий натижалар билан улчанишини таъкидлади.

Кичик лойиҳалар учун банклар олти ойда 18,5 триллион сўм ресурс ажратиб, 110 мингта микролойиҳани амалга оширган,

259 минг одам ишли бўлган. Лекин 47 та маҳаллада бор-йўғи 2 тадан микролойиҳа ишга туширилган.

Айрим туманларда амалга оширилаётган лойиҳаларда камбағал оилалар иштироки 15 фоизга ҳам етмапти. Қораўзақ, Марҳамат, Миришкор, Нуробод ва Термиз туманлари мисолида бу борадаги сусткашлиқлар кўрсатиб ўтилди. Ачинарлиси, 960 та маҳаллада бирорта ҳам эҳтиёжманд одам доимий ишга жойлаштирилмаган. 883 та маҳаллада эса банкирлар “хонадонбай” юриб, лойиҳа қилмаган, тадбиркорлар билан учрашмаган.

■ ШУНИНГ УЧУН ЙИЛ БОШИДАН МАҲАЛЛАДА ИШНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ҚИЛМАГАН 152 НАФАР РАҲБАР ИШДАН ОЛИНДИ, ЯНА 700 НАФАРИГА ИНТИЗОМЙ ЧОРА КЎРИЛДИ.



“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”ГА 10 МИЛЛИОН
ЎМДАН ГРАНТ АЖРАТИЛАДИ

Йиғилишда маҳаллаларда жиноятчиликни жийовлаш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва “еттилик” масъулиятини ошириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари маҳалла одамлар учун чинакам ишонч, таянч ва имкониятлар марказига айланиши зарурлигини таъкидлади.

Яқинда маҳалла бошқарувини самарали ташкил қилиш бўйича Президент фармони имзоланди. Унга кўра, маҳалла раиси ижтимоий муаммоларни қайд этувчи шахсдан ўз ҳудудининг “иктисодий буюртмачиси”га айланиши керак.

Мисол учун, Қува туманидаги “Янги Қува” маҳалласида 51 нафар ишсиз фуқаро бор, уларнинг 4 нафари агротехникани битирган ва хонадонидан 10 сотихдан томорқаси мавжуд. Маҳалла раиси томорқада гул кўчатиға ихтисослашган енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун маҳалла банкирига буюртма беради. Қолган ишсиз аҳоли бўйича ҳам маҳалла раиси ким тадбиркор бўлмоқчи, қайси оила даромadini оширмоқчи, кимга кредит, ускуна ёки ер кераклигини аниқлаб, банкирига аниқ вазифа қўяди.

Энди ҳар бир маҳалла раиси ўз ҳудудининг иқтисодий ва ижтимоий буюртмачисини шакллантиради. Бунда муаммо аниқ ҳисоб-китоб қилинади, лойиҳа тайёрланиб, масъул ташкилотларга вазифа қўйилади.

■ МАҲАЛЛАЛАРДА ХУСУСИЙ БОҒЧА, МАКТАБ, КЛИНИКА ВА СПОРТ ИНШООТЛАРИ ҚУРИШ УЧУН ЕРНИ АУКЦИОНГА ЧИҚАРИШ ВАКОЛАТИ ҲАМ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИГА БЕРИЛАДИ.

Давлатимиз раҳбари маҳалла раиси ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, тозаликни таъминлаш ва даромадни кўпайтиришга хизмат қиладиган лойиҳаларда ташаббускор бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Бундай лойиҳалар учун “маҳалла еттилик”ларига 10 миллион сўмдан грант ажратилади. Агар 8 992 та маҳалланинг ҳар бирида биттадан шундай лойиҳа амалга оширилса, ҳудудлардаги муҳит сезиларли ўзгаради. Ушбу мақсадлар учун жами 240 миллиард сўм ресурс шакллантирилади.

Маҳалла раиси ўз ҳудудининг ҳақиқий бошқарувчиси бўлиши шарт. У ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим, профилактика инспектори, солиқчи ва маҳалла банкирининг ҳафталик ҳамда ойлик иш режасини тасдиқлаб беради, уларга аниқ вазифа қўйиб, сўров қилиб боради.

“Еттилик” фаолиятини методик қўллаб-қувватлаш ва ҳудуддаги муаммоларга илмий ёндашиш учун Маҳаллани ривожлантириш миллий институти ташкил этилади. У “еттилик”ни ўқитади, маҳаллалардаги долзарб масалаларга илмий ечимлар ишлаб чиқади.

Йиғилишда, шунингдек, маҳалла банкирларининг иш услуби ҳам тубдан ўзгариши белгиланди. Маҳаллалар бюджетини мустаҳкамлаш бўйича янги ташаббуслар илгари сурилди, барча давлат хизматлари босқичма-босқич маҳаллага тушириш бўйича топшириқ берилди. Шу билан бирга, маҳаллаларда ижтимоий ёрдамлар қўламини кенгайтириш масаласи муҳокама қилиниб, жиноятчиликни жийовлаш бўйича яратилган тизим фаолияти таҳлил қилинди.

Президент Матбуот хизмати ахбороти асосида тайёрланди.

“ОҒИР”
МАҲАЛЛАДА
кредитлар
12 фоиздан
ажратилади

МОҲИЯТ

Президентимизнинг тегишли фармони билан айрим қонун ҳужжатларига танлаб олинган туманлар ва маҳаллалар инфратузилмасини жадал ривожлантиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартiriшлар киритилди.



“Республика ҳудудларида тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармониға асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган. Эндиликда жамғарма маблағлари “оғир” тоифадаги танлаб олинган туманларни комплекс ривожлантириш дастурларига, шунингдек, “оғир” маҳаллаларнинг “Ислохотлар дастури”га киритилган ижтимоий ва тадбиркорлик инфратузилмаси лойиҳаларини амалга оширишга ҳам йўналтирилади.

“2026 йилда ҳудудларни янгиҳа ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорида камбағаллик даражаси юқори бўлган 903 та маҳалла “Ислохотлар дастури” амалга оширилиши белгиланган эди.

Янги фармон билан “оғир” тоифадаги маҳаллалар сони 903 тадан 915 тага етказилди.

Мазкур қарорда ҳар бир “оғир” маҳалланинг “Ислохотлар дастури”ни молиялаштириш учун тегишли маҳаллий бюджетдан ажратилган ҳар 1 миллиард сўм учун республика бюджетидан 2 миллиард сўм миқдорида қўшимча маблағ ажратилиши қайд этилган. Эндиликда бу жараёнда маҳаллий бюджет маблағлари билан бирга, Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланишга ҳам руҳсат берилади.

“Ислохотлар дастури”ни амалга ошириш доирасида туман (шаҳар) ҳокимлиги, маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда камбағалликни қисқартиришга қаратилган ижтимоий шартнома тузилади. Бу жараёнда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ижтимоий шартномалар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади. Шунингдек, маҳаллаларда амалга оширилаётган тадбиркорлик лойиҳалари доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни (хизмат, ишни) электрон савдо платформаларига жойлаштириш орқали сотишга қўмаклашилади.

Бундан ташқари, Президент қарорида 2026 йил 1 мартдан бошлаб, “оғир” тоифадаги туманларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар йиллик 12 фоиз ставкада ажратиб борилиши белгиланган эди. Янги тартибга кўра, эндиликда 2026 йил 1 июлдан бошлаб, “оғир” маҳаллаларда ҳам бу тоифадаги кредитлар йиллик 12 фоиз ставкада ажратилади.

Билим ва мантиқ синовида
маҳаллалар беллашди

УЮШМА КУНДАЛИГИ

“Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси раиси кубоғи” учун “Заковат” интеллектуал ўйинларнинг туман (шаҳар) босқичлари давом этмоқда.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида ташкил этилган мусобақада ҳудуддаги 51 та маҳалла жамоаси билим ва заковат борасида ўзаро беллашди. Қизиқарли ва муросасиз баҳсларга бой ўйинлар якунида “Лабзак” маҳалласи жамоаси биринчи, “Қоратош” маҳалласи иккинчи, “Эшонгузар” маҳалласи эса учинчи ўринни эгаллади.



Нурафшон шаҳридаги беллашув эса авлодлар учрашувига айланди. Унда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган иштирокчилардан иборат маҳалла жамоалари турли йўналишлардаги мантиқий ва билимга оид саволларга тезкор ҳамда аниқ жавоб бериш орқали ўз интеллектуал салоҳияти, таҳлилий фикрлаши ва жамоавий ҳамжихатлигини намоён этди. Якуний натижаларга кўра, “Нурафшон” ва “Наврўз” маҳаллалари жамоалари ғолиб деб топилиб, мусобақанинг вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.

“МАҲАЛЛАДА ОБОДЛИК ВА
МЕҲР-САХОВАТ ОЙЛИГИ” ўтказилади

ТАШАББУС

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ойлик доирасида эҳтиёжманд, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олинади, уларнинг уй-жойи таъмирланади, тиббий куриқлар ташкил этилиб, хайрия дастурхонлари ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Маҳаллалар кесимида кўчат экиш, тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар атрофини обод қилиш, ички туризм йўналишларидаги маҳаллалар қиёфасини яхшилаш каби лойиҳалар амалга оширилади.

— Бу ойлиқнинг асосий мазмуни — фақат ҳашар ўтказиш ёки кўчаларни тозалаш эмас, балки ҳар бир маҳаллани обод, ҳар бир хонадонни файзли, ҳар бир оилани эътибор ва меҳр билан қамраб олишдан иборат, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Исроил Жабборов. — Шу мақсадда Бош вазир бошчилигида республика штаби тузилади, ҳудудий штабларга ҳокимлар раҳбарлик қилади. Бу ишлар бир ойлик акция эмас, балки йил бўйи ишлайдиган умуммиллий ҳаракатга айлантирилади. Ишонаманки, бу ташаббус кенг қулоч ёзиб, вилоятдаги барча маҳаллаларда кўтаринки руҳда ўтказилади.

Мазкур ташаббуснинг яна бир муҳим жиҳати — меҳнат ва ташаббуснинг муносиб кадрланишидир. Йил якунида алоҳида



танлов ташкил этилиб, кўп қаватли уйлардаги “Энг ораста хонадон”, маҳалладаги “Энг файзли ҳовли”, ҳудуддаги “Энг обод кўча”, туман ва вилоятдаги “Энг намунали маҳалла” номинациялари жорий этилади. Танлов ғолиблари бўлган кўп қаватли уйлардаги квартиралар учун мол-мулк солиғидан, ҳовли-жойлар учун эса ер солиғидан имтиёз берилади. Бу эса ҳар бир хонадонни ўз яшаш муҳитига янада масъулият билан қарашга, маҳалла ободлигига шахсий ҳисса қўшишга ундайди. Яхши тажриба яратган “маҳалла еттилиги” мукофотланади, уларнинг иш услуби бошқа ҳудудларга намуна қилиб кўрсатилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги”, бу — оддий ободонлаштириш тадбири ёки мавсумий акция эмас. Бу — инсон қадрини улуглаш, маҳаллаларни янада файзли ва фаровон қилиш, аҳоли ўртасида ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат ва дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашга қаратилган умуммиллий ҳаракатдир.

БИТТА БАНКИРГА УЧТА МАҲАЛЛА БИРИКТИРИЛАДИ

Бундан буён битта маҳалла банкирига кўпи билан учта маҳалла бириктирилади. Улар ҳудуддаги банк миқозлари билан ишлаб, иш ўринлари ва уларга қўйилган талабни аниқлайди. Ишсизларни касбга ўқитади, ишга жойлаштиради.

2026 йил
18 июль,
ШАНБА

Mahalla №57

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

“Асаларичиликдаги ҳадик ва хавотирни қандай аритдик?”

Боқиманда бўлишни истамаган инсон меҳнатдан қочмайди, фақат уларга тўғри йўналиш ва бошланғич молиявий мадад берилса етади. “Еттилик” ҳамкорликда камбағал ёки ишсиз фуқаролар билан ишлашда мана шу жиҳатни бир зум эътибордан четда қолдирмади. Уларнинг қизиқиши ва қобилиятига қараб, режа тузиб олдик.

Муроджон ТУРСУНОВ,
Чортоқ туманидаги
“Обод диёр” маҳалласи
ҳоким ёрдамчиси.

Шу у орқали кам маблаг ва қисқа вақт ичида оилаларни барқарор даромад манбаи билан таъминлашга эришдик. Янги “драйвер” соҳаларни ишга туширдик. Масалан, азалдан мавжуд бўлган асаларичилик анъанасини кооперация асосида қайта тиклангани юзлаб иш ўринларига замин яратди. Тўғриси айтман, бошида кўпчиликда иккиланш бўлди. “Ари боқишни билмасак, нобуд қилиб қўйсак-чи?”, деган хавотирли саволлар янгради. Барча ҳадик ва хавотирларга амалий ишлар би-

лан жавоб қайтардик. Дастлаб 13 нафар ишсиз ва эҳтиёжманд фуқарога жами 52 миллион сўмлик субсидия маблағлари ажратилишига кўмаклашдик. Бу маблағ эвазига 90 тадан соғлом ва маҳсулдор асалари оиласи тарқатилди.

Бироқ арини шунчаки тарқатиш билан иш битмасди. Лойиҳанинг муваффақиятини таъминлаш учун кейинги муҳим қадамни ташладик. Яъни, тажрибали ва уста асаларичи Ботир Ҳусайновни ушбу оилаларга етакчи (устоз) сифатида бириктирдик. У киши йўл-йўриқ курсатди, ари парвариш-лаш сирларини ўргатди, касалликлардан ҳимоя қилишда амалий ёрдам берди. Устоз-шогирд анъанаси ўз сўзини айтди — бир йил давомида олинган натижа қутилганидан ҳам аъло бўлди!

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ



Бугун ҳудудда асал мавсуми бошланган. Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, ҳар бир хонадон жорий мавсумнинг ўзида 50-60 миллион сўмлик соф даромад олишни кўзламоқда. Бу шунчаки рақамлар эмас, балки хонадонларга кириб келаётган тўқинлиқдир.



НАМАНГАН

Яхшиликнинг қаноти бор, деганларидек, ижобий тажриба қисқа вақт ичида овоза бўлди. Талабгорлар сафи орти. Шу тарзда кооперациямиз атрофида 70 нафар аъзони бирлаштирди, аксарияти илгари даромади ҳаминқадар бўлган оилалар. Лойиҳа уларнинг нафақат доимий бандлигини таъминлади, балки маҳалламизнинг ўзига хос “драйвери”га айланди.

Энди лойиҳани янада кенгайтириш устида ишлаяпмиз. Мақсадимиз — йил якунига қадар яна 200 та кам таъминланган ва эҳтиёжманд оиланинг бандлигини таъминлашдир.

Бундан ташқари, аҳоли томорқадан самарали фойдаланишини таъминлаш учун 2,6 км. узунликда бетон ариқ ётқизиш ишлари амалга оширилди. Бу билан оқова сув муаммоси ҳал этилди. Ўзиборилиси, бу ишлар “Ташаббусли бюджет” дастури доирасида аҳолининг фаоллиги ва кенг жамоатчилик қўллаб-қувватлаши натижасида амалга ошди. Имкониятдан руҳланган аҳоли вакиллари хонадонда рўзгорга керакли сабзи, бўлғор қалампир, картошка етиштирмоқда. Шунингдек, маҳаллада кичик тадбиркорлик субъектлари сони кун сайин ортиб бормоқда. Бу эса аҳоли учун янги иш ўринлари яратиш, турмуш шароитини яхшилаш ва фаровонлигини таъминлашга замин яратмоқда.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида Сардорбек Ҳамробоев ташаббуси билан фаолият бошлаган тикувчилик корхонасида 20 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди. Маъруфжон Умаров эса хонадонда чорва ҳайвонлари учун дуккакли донлардан ем ишлаб чиқариш ускунаси ўрнатди. Ушбу ташаббус натижасида 4 нафар маҳаллий аҳолининг доимий бандлиги таъминланди.



ЖИЗЗАХ

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Ютуғимиз бош омили — ҲАР ДОИМ ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИКДА

Илгари маҳалла-ламиш фуқаролари кичикроқ бир муаммо ёки оддийгина маълумотнома учун ҳам соатлаб навбат кутар, идорама-идора сарсон бўлиб юрарди. Очиғи, одамларда эртанги кунга, муаммосининг ечимига ишонч сус эди. Бугун маҳалла — ислохотларнинг бош марказига, аҳоли фаровонлигини таъминлайдиган чинакам масканга айланди.

Илёс ТОЖИБОВЕВ,
Жиззах шаҳридаги
“Сайхон” маҳалласи
раиси.

Халқ билан ҳамнафас, уйма-уй юриб ишлаш тизими йўлга қўйилгани натижасида бизнинг жамоа ҳам республикада энг яхшилар қаторида эътироф этилди. Утган йили маҳалламиз ҳаётида чинакам тарихий ва қувончли воқеа юз берди. “Еттилик” учун замонавий, шинам ва барча шароитларга эга янги бино фойдаланишга топширилди. Бу — биз учун катта имкониятлар эшигини очди. Шароит бор жойда хизмат кўрсатиш сифати, аҳолининг давлатдан розилик даражаси ва ишмиз самарадорлиги ҳам юқори бўлмоқда. Эндиликда ҳар қандай масала юқори идораларга чиқмасдан, айнан шу ернинг ўзида, тезкор ва адолатли ҳал қилинмоқда.



Жинойятчиликни қисқартириш ва оилавий ажралишларнинг олдини олишда ҳам қуруқ ҳисоботбозликдан бутунлай воз кечдик. Ҳар бир хонадонга кириб, ижтимоий муҳитни “ташхис” қилдик. Ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик ортидан низоли оилалар, ишсиз ёшлар билан манзилли ишлаш йўлга қўйилди. Натижада ҳудудда осойишталик қарор топди, ажралишлар сони кескин камайди.

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ...

ҲАРАКАТ ҚИЛГАН БОЙИЙДИ, БАҲОҶА ҚИЛГАН НОЛИЙДИ



Гарчи оз бўлса-да, орамизда “Иш йўқ”, “Даромад топиш қийин”, деб нолийдиган замондошларимиз учраб туради.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Аммо ерни севган, ундан унумли фойдаланишни билган инсон томорқасида кичик ишлаб чиқариш тармоғини йўлга қўйиши, яхшигина даромад топиши мумкин.



Бунинг жонли ва яққол исботини Касби туманидаги “Сохибкор” маҳалласида яшовчи Мамади Раззоқов хонадони мисолида кўриш мумкин. Оила бошлиғи томорқасини шунчаки экин майдони эмас, балки катта даромад ва экологик тоза ҳаёт манбаига айлантира олди. Уч йил аввал ўзига хос ва истикболли йўналиш — табиий органик ўғит, яъни, биогумус ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бунинг учун Калифорния қизил чувалчангларидан фойдаланди.

У хонадонидagi органик чиқиндиларни, чорва гўнглари мана шу

чувалчанглар ёрдамида қайта ишлаб, кимёвий воситалардан холи, экологик тоза биогумус тайёрламоқда. Бугунги кунда 10 тонна тайёр маҳсулот сотувга шай турибди. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ушбу табиий ўғитнинг бир тоннаси бозорда 2 миллион сўмдан баҳоланмоқда. Демак, уйнинг бир бурчагида турган маҳсулотнинг ўзидек хонадонга 20 миллион сўмлик соф фойда олиб келади. Йилига ўртача 20 тонна биогумус ишлаб чиқарилишини ҳисобга олсак, 40 миллион сўмлик барқарор даромад нақд, деганидир.

Харакат қилган барака топишини англаган Мамади Раззоқов шу иш билан чекланиб қолмади. Илмий ёндашув асосида хонадонда 50 бош йирик ва майда шохли чорва молларини парвариш қилмоқда.

Шунингдек, 50 бошдан ортқ парранда парвариши ҳам бюджетга қўшимча фойда бўлмоқда. Янада эҳтиборлиси, иқтисодий занжир шаклида серхосил тоқзор барпо этган. Уларни кимёвий ўғитлар эмас, айнан ўз уйида ишлаб чиқарилган табиий озۇқа билан парваришлармоқда. Шунданми, узумларнинг таъми ва сифати мутлақо бошқача.

Яхши англаймизки, томорқада маҳсулот етиштириш учун, аввало, сув ва электр манбаи керак. Бусиз деҳқончилик ҳақида гапириш бефойда. Шу боис “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида йирик лойиҳани амалга оширдик. Томорқа ерларини суғориш тизими тўбдан яхшиланди. Электр таъминотидаги узил-ишлар ва паст кучланишларга барҳам бериш учун жами 13 километр узунликда янги тармоқ тортилди, 282 та мустаҳкам бетон таянч устунлари ўрнатилди.

Маҳалламизда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолини ўз уйида туриб бойитиш — энг устувор вазифадир. Бунга ёрқин мисол сифатида Норҳўжа Бадиловнинг хонадонини кўрсатиш мумкин. Кичик иссиқхона оиланинг сердаромад ҳазинасига айланди. “Еттилик”нинг амалий кўмаги билан тадбиркорга 66 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Маблағ эвазига барпо этилган 6 сотихли замонавий иссиқхонада бодиринг парваришланиб, ички бозорга етказиб берилмоқда. Кредит ўз вақтида тўланиб, оила ҳақиқий фаровонликка эришди.

Бир сўз билан айтганда, ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда ҳар бир фуқарога йўл курсатиб, керак пайтда ёрдам бердик. Хонадонларга барака, оилаларга хотиржамлик кирди. Бугун сайхонликлар хорижга иш излаб эмас, дам олиш, саёҳат учун борапти.

ТАВСИЯ

Томорқадан унумли фойдаланиш, оилавий бюджетни мустаҳкамлаш ва даромаднинг ошириш йўллари ҳақида гап кетганда, кўпчиликнинг ҳаёлига биринчи бўлиб, иссиқхона ёки чорвачилик келади.

Куркачилик, бу — кам харажат, кўп даромад дегани

Мухиддин САЙФИЕВ,
Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги бошқарма
бошлиғи.

Шу ахсий томорқада кам харажат ва юқори самара берадиган, аммо кўпчилик эътибор қаратмайдиган яна бир сердаромад соҳа бор, бу — куркачилик.

Агар сиз томорқангизда курка боқишни йўлга қўйсангиз, ҳам оилангизни энг сифатли маҳсулот билан таъминлайсиз, ҳам рўзгорингизга қўшимча барака олиб кирасиз. Унинг иқтисодий самарадорлиги жуда юқори.

Ҳисоб-китобларга кўра, баҳор фаслида бор-йўғи 30 та курка ҳўжасини сотиб олиб боқсангиз, куз фаслига келиб 150-180 килограммгача тоза, юқори сифатли пархёз гушт олишингиз мумкин. Гушти ўзининг мазаси ва фойдали хусусиятлари билан бошқа барча уй паррандалари (товуқ, ўрдак) гушtidан анча устун туради.

Тез ва соғлом ривожланиши учун улар сақланадиган хонадаги ҳаво намлигига алоҳида эътибор бериш шарт. Мақбул нисбий намлик даражаси 60-70 фоизни ташкил этиши керак. Агар намлик паст бўлса, нафас олиш йўллари қуриб, уларни безовта қила бошлайди. Оқибатда парранда кўп сув ичиб, кам озۇқа истеъмол қилади ва вазн йўқотади. Аксинча, намлик юқорилиги парранданинг ҳолсизланиши ва турли касалликларга чалинишига сабаб бўлади. Қишнинг совуқ кунларида вазни тушиб кетмаслиги учун уларни кунига 3 маҳал маълум бир тартиб асосида озиклантириш тавсия этилади.

Хулоса қилиб айтганда, томорқада курка боқиш — кам меҳнат эвазига рўзгорни гушт маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш ва юқори даромад олишнинг энг синалган усулидир.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



БОШ ПРОКУРАТУРА ИЖТИМОЙ РЕЕСТРНИ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ

Ижтимоий реестрга киритишни асоссиэ рад этиш оқибатида оилалар ижтимоий ёрдам олиш, фарзандини боғчага бериш каби хизматлардан фойдалана олмаяпти. Бош прокуратура Ижтимоий реестр тўғри юритилишини қатъий назорат қилади.

4

Mahalla

№57

2026 йил
18 июль,
ШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ОҚИЛАЛИК —ОИЛА БЕЗАГИ

НАМАНҒАН

Меҳнат — тарбиянинг энг муҳим мезонларидан бири саналади. Шу боис қадимдан бувиларимиз набираларини кичик-кичик юмушларга жалб қилиб, уларда масъулият, сабр ва бардош каби фазилатларни шакллантиришга ҳаракат қилган. Айниқса, қизларга ҳунар ўргатиш орқали катта турмушга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳунари бор аёлнинг ҲАЁТИ ЗАВҚЛИ, ОИЛАСИ ХОТИРЖАМ

Каромат РАҲМАТОВА,
Наманган туманидаги “Оқбулоқ”
маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Маҳалламизда ҳали-ҳануз бундай анъаналар сақланиб келяпти. Барча хонадон аёллари анча йиллардан буён Ангор юнгли рўмолларини тўқиш билан шуғулланади. Гарчи бу юмуш узоқ вақт ва катта кўнт талаб этса-да, хотин-қизларнинг сеvimли машғулотиға айланган.

Ўғилхон Тошматова чўпонлардан Ангор эчкилари юнгини сотиб олиб, уйда ўтирган аёлларга таркатади. Ҳунаремдлар эса уни ювиб, тозалайди. Йигириб, қўшимча ип билан мустаҳкамлаб ўриб чиқади. Шундан сўнг махсус ускунада рўмол тўқишга киришади. Ўрта ҳисобда битта уй бекаси бир кунда битта рўмолни бемалол битириши мумкин. Унинг нархи эса 100-120 минг сўмни ташкил этади. Агар сарф-харажатларни чиқариб ташлайдиган бўлсак, бир ойда ўртача 2 миллион сўм софда фойда қўриш мумкин.

Тайёр маҳсулотнинг харидорлари жуда кўп. Ҳатто Хитой, Россия ва Қозоғистон каби давлатларга экспорт қилинапти. Меҳр ва эътибор билан тўқилган рўмолларга хорижликлар катта қизиқиш билдирапти. Уларнинг бир нечтаси маҳалламизга келиб, мазкур ҳунар сир-асрорларини ҳам ўрганиб кетишди.

Ўтган йилдан бошлаб опа-сингилларимиз қуруқ меваларни қадоклаш йўналишидан ҳам қўшимча даромад топишни бошлади. Бодом, pista, олма қоқи, майиз каби маҳсулотларни дид билан тахлаб, савдо чиқариб беришяпти. Айни вақтда 150 та хонадон хотин-қизлари мазкур юмуш билан банд. Улар орасида ҳам-ширалар, ўқитувчилар, давлат корхонасида ишлайдиган аёллар ҳам бор. Аёллар шу тарзда ишдан бўш вақтини мазмунли ўтказиб, пул топяпти.

Йил бошидан буён банк агентлари билан ҳамкорликда бир нечта кичик лойиҳаларни молиялаштиришга эришдик. Имтиёзли кредит олганлар чорвачилик, сутни қайта ишлаш, уй боғча ташкил этиш йўналишларида иш бошлашди.

Келгусида ҳудудимиздаги аёллар саломатлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида спорт машғулотларини ташкил этмоқчимиз. Бундан ташқари, гўзаллик саломи ва тикувчилик цехи очиб, янги иш ўринларини очмоқчимиз.

Кун иеча Президентимиз ўтказган видеоселектор йиғилишидан ўзим учун жуда кўп англашлар олдим. Бизга давлат яратиб бераётган имкониятларга муносиб жавоб қайтариш учун янада кўпроқ фидокорлик ва жонқуярлик талаб этилади. Бугунги ҳар бир хайрли ташаббус эса эртанги ютуқларимизнинг пойдеворидир.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Мақсад билан режа уйғун келганда, НАТИЖА ЯҚҚОЛ АКС ЭТАДИ



НАВОИЙ

Ёз кунлари маҳалламизда ҳаёт тоғ боши оқармасдан бошланади. Одамларимиз кун қизиб кетгунга қадар юмушларини саранжомлаб олишга одатланган. Шу орқали хонадонларга кўт-барака ва файз киради.

Ойбек ШАМСИЕВ
Навоий шаҳридаги
“Олтин водий” маҳалласи раиси.

Айниқса, Мустақиллигимизнинг 35 йиллигига муносиб тайёргарлик қўриш ниятида кўчаларимизни ободонлаштириш, тозалаш ишлари жўшқин паллада. Маҳалла тизимида ўн йилдан буён фаолият юритаётган бўлсам, тобора тажриба ва малакам ортиб борапти. Фуқароларнинг кўз қарашидан ҳаёлидаги фикрларини ўқийман. Кўмакка муҳтожлар ёнимизга ёрдам сўраб келмасдан аввал, ўзимиз уларга керакли хизматларни кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Халқнинг яхши кўнида ҳам, ташвишида ҳам ҳамроҳ бўлиб, уларнинг ишончини қозониб келяпмиз.

Аҳоли вакиллариининг кўпчилиги савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишида фаолият юритади. Оилаларимиз ўзига тўқ ва фаровон турмуш кечиряпти. Эҳтиёжманд ва муҳтожларни эса ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаб келяпмиз. Хусусан, йил бошида рўйхатга олинган 38 та камбағал оиланинг 18 тасини қийин вазиятдан олиб чиқдик. Хонадон вакиллариини ишга жойлаштириб, доимий даромад манбаларини яратдик. Йил якунига қадар бу рақамларни янада қисқартириш ҳаракатидамиз.

Жинойятчилик, оилавий ажрашиш ҳамда ишсизлик борасида ҳам кўрсаткичларимиз жуда яхши. Бундай натижага эришиш учун “еттилик” ходимларининг ҳар бири ўз вазифасига масъулият билан ёндашяпти. Халқнинг дардини ўзимизники билиб, унинг ечимини учун ҳам бор куч ва имконият-мизни ишга соляпмиз.

Кун иеча Президентимиз Раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишидан кейин чўкур мулоҳазага толдим. Ҳали ҳам маҳаллаларимизда ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар жуда кўп. Халқнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг давлатдан рози бўлиб яшаши учун анча тер тўкишимизга тўғри келади. Шу билан бирга, тизимдаги айрим жиҳатларни ҳам ўзгартириш керак, назаримда.

Ҳар доим эрталаб идорага катта режа ва мақсадлар билан келаман. Лекин энди фикрларимни айтмоқчи бўлганимда, “еттилик”нинг бошқа ходимларига раҳбарлари катта-катта топшириқларни юклаган бўлади. Шу тарзда маҳалланинг кўп ишлари якунига етмай қоляпти. Бу масалага ечим топиш учун профилатика ва солиқ инспекторидан ташқари, “бешлик”ни бир тизимга бирлаштириш керак. Шундагина мақсад ва режаларимиз ўзаро уйғунлашарди. Натижадорлик ҳам қутилганидек бўларди.

ДАРОМАД МАНБАИ

МЎЪЖИЗА, БУ — ЧИНАКАМ МЕҲНАТНИНГ МАҲСУЛИ

Шўрчи туманининг “Бобур” маҳалласидаги хонадонлардан бирига кирар экансиз, ҳовли четидаги кўзни қувнатадиган ям-яшил полизга кўзингиз тушади. Кенг барглор орасида, қўёш нурида товланиб ётган улкан ошқовоқларни кўриб, хайратга тушасиз.

Нигина ШОЕВА,
журналист.

Бу мўъжизанинг муаллифи — Шўрчи туманининг меҳнаткаш хонадон вакиллари Холбой Қурбонов ва Қамбар Қурбоновалар. Улар полизчилик билан узоқ йиллардан буён шуғулланади. Ҳар бир мавсумни янги тажриба ва янги мақсад билан бошлашга ўрганишган.

2022 йилда томорқада етиштирилган 35 килограммлик ошқовоқ нафақат маҳалла, балки бутун туман аҳолиси орасида катта қизиқиш уйғотган эди. Ўша пайтда кўпчилик буни тасодиф, деб ўйлади. Аммо бу йилги ҳосил катта натижа тасодиф эмас, изчил меҳнат маҳсули эканини исботлади.



Айни вақтда полиздаги айрим ошқовоқларнинг вазни 32 килограммдан ошган, лекин ҳали тўлиқ пишмаган. Агар табиат инжиқлик қилмаса, куз фаслига бориб уларнинг оғирлиги 40 килограмм ёки ундан ҳам ортishi мумкин.

— Кўпчилик биздан қандай уруғ эканлигини сўрайди, — дейди Қамбар Қурбонова. — Мен эса доим бир гапни айтман: аввало, ерга меҳр бериш керак. Ер буни ҳис қилади. Агар деҳқон эринмаса, ҳар қуни ниҳолнинг ҳолидан хабар олса, ҳосил ҳам шунга яраша бўлади. Ошқовоқнинг “Пакнок” навини экамиз. Бу нав йилрик мева тугиши билан ажралиб туради. Лекин уруғнинг ўзи натижа бермайди. Уни вақтида суғориш, органик ўғит билан озиклантириш, оптикча ҳосилини олиб, сийраклаштириш ва ҳар бир ниҳолни алоҳида парвариш қилиш керак.

Дарҳақиқат, бугун хонадон томорқаси кичик бир сайлгоҳни эслатади. Қизикчанлар келиб, улкан ошқовоқлар билан суратга тушяпти, деҳқондан маслаҳат сўраяпти.

Шўрчилик миришкорлар етиштираётган улкан ошқовоқлар шунчаки полиз маҳсулоти эмас. Улар меҳнат, сабр ва фидоиликнинг ёрқин тимсолидир. Кўз фаслида вазни 40 килограммга етиши кўтилаётган бу ошқовоқлар, шубҳасиз, яна кўп-кўп инсонларни хайратга солади. Аммо энг муҳими, улар ёш авлодни меҳнатсевар бўлишга, ерни қадрлашга ва ҳалол меҳнатнинг қадрига етишга ундайди.

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

Президентимиз Бекобод шаҳрига ташрифи давомида “ЎЗМЕТКОМБИНАТ” акциядорлик жамияти қуюв-прокатлаш мажмуасининг шижоатли мутахассиси, истеъдод соҳибаси Дилноза Примкуловани Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш лозимлигини айтган эди.

Орзулар ушалмоқлиги учун
УЛАРГА ҚАНОТ БЕРИНГ!



ундан сўнг бу ҳақда Президентимизнинг тегишли фармони қабул қилинди.

Тошкент вилояти ҳокимлигида мазкур юксак мукофотни Дилнозахонга тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг илм-фан, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва бошқа соҳалардаги салоҳиятини рўйбга чиқариш борасида амалга оширилаётган иш-лохотлар узининг юксак самарасини бераётганини таъкидлади.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти эса ўз билим ва истеъдоди, меҳнатсеварлиги ҳамда ташаббускорлиги билан тенгдошларига ўрнэк бўлаётган қизларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Маросимнинг энг ҳаяжонли лаҳзаларида Дилноза Примкуловага Зулфия номидаги Давлат мукофоти тантанали равишда топширилди. Мукофот соҳибаси ўзига билдирилган юксак ишонч ва эътибор учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдириб, ушбу юксак эътироф зиммасига янада катта масъулият юклашини, бундан буён ҳам металлургия соҳасида сидқидилдан меҳнат қилиб, юрт равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида бор билим ва салоҳиятини сафарбар этишини таъкидлади.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА
тайёрлади.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАҲАЛЛАГА ТУШИРИЛАДИ

Энди барча давлат хизматлари босқичма-босқич маҳаллага туширилади. Урганч шаҳридаги “Олимпия” маҳалласининг “ақлли маҳалла” тажрибаси ҳар бир вилоятнинг 10 тадан маҳалласида татбиқ қилинади.

2026 йил
18 июль,
ШАНБА

Mahalla №57

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...

23 ёшимда турмуш қурдим. Ҳар бир ёш оила каби биз ҳам келажак ҳақида катта орзулар қилардик. Аммо турмушнинг илк йиллариёқ молиявий қийинчиликлар эшигимизни қоқди. Рўзгорни тебратиш осон эмаслигини ана шу пайтларда чуқур англадик.

Сарвиноз ЖУМАЕВА,
Қарши туманидаги
“Хонобод” маҳалласи.

Турмуш ўртоғим билан қишлоқда қўлимиздан келган ҳар қандай меҳнатдан қочмадик. Дехқончилик қилдик, кунлик меҳнат орқали даромад топишга интилдик. Бироқ бу ишлар фақат кунни кунга улашга етар, эртанги кун учун мустақам пойдевор бўла олмасди. Бизга вақтинчалик эмас, барқарор даромад келтирадиган иш керак эди.

Шу вақтларда чорвачилик билан шуғулланиш ғояси туғилди. Аввалига бу қарорни шошма-шошарлик билан қабул қилмадик. Ҳисоб-китоб қилдик, бозорни ўргандик, ем-хашак таъминотидан тортиб, парвариш харажатларигача ўйлаб кўрдик. Чорва боқиш ташқаридан қараганда осондек туюлиши мумкин, аммо ҳар бир кун меҳнат, масъулият ва сабр талаб қилади. Эрталабдан кечгача ем-хашак тайёрлаш, чорвани парвариш қилиш, соғлигини назорат қилиш — буларнинг барчаси доимий эътиборни талаб этади. Лекин меҳнатдан кўркамдик, чунки ҳар бир қадамимиз орзуларимиз сари қўйлаётганини ҳис қилардик.



Ёшлар етакчисининг тавсияси асосида ажратилган 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит биз учун катта имконият эшигини очди. Ана шу маблағ ҳисобидан чорвачилик фаолиятини бошладик. Илк қадамларимиз 30 бош майда шохли мол билан бошланган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 65 бошга етди. Бир йил давомида қарийб 100 миллион сўм даромад олишга эришдик.

Бугун ортга назар ташласам, кечаги хавотир ва иккиланишлар ўрнини ишонч ва катта мақсадлар эгаллаганини ҳис қиламан. Энди эса келгусида чорва сонини янада кўпайтириш ва фаолиятимизни босқичма-босқич кенгайтириб, даромадимизни оширишни мақсад қилганмиз.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ҲАР бир ишнинг ўз вақти, кўчатнинг парвариши бўларкан...

Маҳалламизда кўчатчилик оддий машғулот эмас, оиланинг барқарор даромад манбаидир. Баҳору куз ҳовлилар тинимсиз меҳнат майдонига айланади. Етиштирилган кўчатларни қўшни вилоятларгача олиб кетишади. Айрим оилалар бир мавсумнинг ўзида 35-40 миллион сўмгача даромад кўраётир.

Отабек НИШОНОВ,
Норин туманидаги
“Мирсултончек”
маҳалласи раиси.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Наргиза ҲАКИМОВА. Андижон вилояти:

— Яқинда ишга жойлашиш учун суҳбатдан ўтдим. Ишга қабул қилиш жараёнида дастлаб менга ижобий жавоб беришди. Кейинчалик иш бевури менинг кичик ёшли фарзандим борлигини билгач, турли баҳоналарни келтириб, мени ишга қабул қилишдан бош тортди. Бу ҳолатда мен ўз ҳуқуқларимни қандай ҳимоя қилишим мумкин?

ЁШ БОЛАНГИЗ БОРЛИГИНИ БАҲОНА ҚИЛИШМАСИН...



Каримбек ОБИДОВ,
ҳуқуқшунос, адвокат:

— Агар иш бевури сизни ёш фарзандингиз борлиги сабабли ишга қабул қилишдан бош тортган бўлса ёки бу ҳолат маълум бўлганидан кейин турли баҳоналар билан рад жавобини берган бўлса, бу қонунчиликка зид ҳисобланади. Меҳнат кодексининг 392-моддасига кўра, ҳомиладорлиги ёки фарзанди борлиги билан боғлиқ сабабларга кўра ишга қабул қилишни рад этиш ёки меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини камайтириш тақиқланади.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 148-моддасига мувофиқ, бундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Айбдор шахс БҲМнинг 25 бараваригача жарима, 3 йилгача муайян ҳуқудан маҳрум қилиш ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши мумкин. Шу боис бундай ҳолатга дуч келсангиз, ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилишингиз мумкин.

Турғунбой Гафоров 15 сотих ерда мевали дарахт кўчатларини парваришлайди. Бундан ташқари минглаб атиргул ниҳолларини ҳам етиштиради. Куз келиши билан уруғлар ерга қадаб чиқилади. Қиш давомида улар тупроқ бағрида куч тўплайди. Баҳор нафаси билан уруғ униб, бақувват ниҳолга айланади. Август ойининг ўрталаридан бошлаб, энг масъулиятли жараён бошланади. Яхши навли дарахтнинг “қўзи” эҳтиёткорлик билан олиниб, ўстирилган ниҳолга уланади. Уланган жой махсус боғич билан маҳкам уралади. Шундан кейин ниҳол янги навли ўзига сингдириб, келгуси мавсумда сифатли мевали кўчатга айланади. Бу усулни одамларимиз йиллар давомида ортирган тажрибаси орқали мукаммаллаштирган.

Бугун эса бир йўналиш билан чекланиб қолишни истаямиз. Энди қўлпўнайчиликни ҳам кенг йўлга қўйиш ниятидамиз. Август ойида ернинг жазирама ҳарорати бироз пасайгач, экиш ишлари бошланади. Аввал эгاتлар сув билан тўлдирилади, кўчатлар нам тупроққа бирма-бир ўтказилади. Иссиқ тупроққа экилган ниҳол қийналади, сувга экилгани эса илдизини тез тутиб, осон мослашади. Шу боис ҳар бир ишнинг ўз вақти, ҳар бир кўчатнинг ўз парвариши бор. Ана шу нозик жиҳатларга амал қилингани учун ҳосил ҳам, даромад ҳам баракали бўляпти.

Маҳалламизда фақат деҳқончилик эмас, тадбиркорлик ҳам тобора кенг кулоч ёзмакда. Худудимизда 30 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган қандолат цехи фаолият юритади. Қарийб 30 сотих майдонда ташкил этилган ушбу корхонада бугун ишчи кучи етишмаяпти. Чунки буюртмаларнинг саноғи йўқ. Маҳалламиздагина эмас, қўшни худудлардан ҳам хотин-қизлар келиб ишляпти. Иш ҳажми шунчалик каттаки, у кунига уч босқичда фаолият юритмокда.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

Албатта, ютуқлар билан бирга ечимини қутаётган масалаларимиз ҳам бор. Энг катта эҳтиёжimiz — мактаб ва боғча. Маҳалламиз четроқда жойлашгани боис бу масала йиллар давомида ортга сурилиб келинган. Аммо халқимизнинг савоати бизга умид бағишлайди. Ҳонийларимиз орасида “Жой ажратиб берсангиз, ўз ҳисобимиздан 200 ўринли боғча қуриб берамиз”, деган ташаббусни билдираётган инсонлар бор. Энди шу эзгу ниятни амалий ишга айлантириш учун мутасаддилар билан биргаликда ечим топишимиз керак. Ишонаманки, бу масала ҳам узоқ қўзилмайди. Чунки маҳалламиз бугун меҳнат билан усаётган бўлса, эртага фарзандларимизнинг таълими билан янада юксалади.



ЕТАКЧИ — КЎМАКЧИ

Маҳалламиз нуфуси унчалик катта эмас. Аммо бу ерда улғаяётган ёшларнинг орзулари чегара билмайди. Бугун ана шу орзулар сабаб кечагина ишсиз юрган йигит-қизлар ўз касбига эга бўляпти.

Ҳеч бир МУВАФФАҚИЯТ ТАСОДИФ БЎЛМАЙДИ

Аброрбек ҚАЮМОВ,
Олтиариқ туманидаги
“Қўлбўйи” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Энг қувонарлиси, муваффақиятга эришган ёшлар ортидан бошқаларни ҳам эргаштириб, уларга ҳунар ўргатишни, иш беришни ўз олди-га мақсад қилмокда. Имконият ҳаммага бирдек берилади. Фақат кимдир ундан фойдаланади, кимдир эса кузатувчи бўлиб қолади.

Маҳалламизнинг ана шундай изланувчан ёшларидан бири — Нурмухаммадхўжа Раҳматхўжаев. “От ўрнини той босар”, деган нақл гўё унинг ҳаётига аталган. У ҳали жуда ёшлигидан отасининг ёнидан бир қадам ҳам қолмас, корхонадаги ҳар бир жараёни синчиклаб кузатарди. Тенгдошлари учун улкан юк машиналари қизик томоша бўлса, Нурмухаммадхўжа учун улар келажак касбининг илк дарслари эди. Йиллар давомида йиғилган кузатув, меҳнатга бўлган қизиқиш ва изланиш бугун ўз самарасини бераётир.



Корхона фаолияти 2003 йилда отаси раҳбарлигида енгил автомобиллар кузовини таъмирлашдан бошланган. Орадан йиллар ўтиб, катта юк машиналари йўналишига ўтилди. Айнан шу босқич Нурмухаммадхўжанинг янги ғояларига йўл очди. У юк машиналари учун эҳтиёт қисмлар доимо четдан олиб келиниши, уларни топиш қийинлиги ва нархи қимматлигини кўриб, бу маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ғоясини илгари сурди. Олдинлари анча вақтгача кутиладиган, юзлаб доллар турадиган айрим эҳтиёт қисмлар бугун корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилмокда. Натижада маҳсулотлар нафақат сифатли, балки харидорлар учун анча ҳамёнбоп бўлди.

Нурмухаммадхўжа хитой ва инглиз тилларини мукамал ўрганиб, халқаро сертификатларни қўлга киритди. Кейинчалик Хитойга бир неча бор бориб, замонавий ускуналарни бошқаришни ўзлаштирди. Бугун эса хорижий ҳамкорлар билан бевосита мулоқот қилиб, янги шартномалар устида ишламокда. Хитойнинг илғор бошқарув тажрибасини ўз корхонасида жорий этиш орқали ишлаб чиқаришни янги босқичга олиб чиқишни мақсад қилган.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, Хитойдан олиб келинган замонавий ускуналарни бошқаришни маҳалламиз ёшлари ҳам қисқа фурсатда ўзлаштирди. Бу эса уларнинг салоҳияти ва ўрганишга чанқоқлиги нақадар юқори эканини яна бир бор исботлайди. Ҳозир корхонада ишлаб чиқариш йўлга қўйилгач, 20 нафар ёш доимий иш билан таъминланди. Янги завод тўлиқ ишга тушгач, бу рақам 50 нафарга етиши режалаштирилган.

Бугун корхона маҳсулотлари республикаимизнинг барча худудларига етказиб берилмокда. Қолаверса, Қирғизистон ва Тожикистон каби қардош давлатларга ҳам экспорт йўлга қўйилган. Нурмухаммадхўжанинг энг катта мақсади эса корхонасини кенгайтиришдан ҳам юксакроқ — у замонавий ишлаб чиқариш ва бошқарув маданиятини маҳалламизга олиб кириш, кўпроқ ёшларни касбли ва даромадли қилишни истайди.

Биз, ёшлар етакчилари учун бундай ташаббуслар энг катта илҳом манбаи. Чунки маҳалланинг ҳақиқий бойлиги айнан имконият яратадиган, бошқаларга йўл очадиган, ортидан эргаштира оладиган ёшлардир.

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”



ТОШКЕНТ В.

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Гулистон шаҳрида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хизматларни манзилли ташкил этиш ҳамда фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.


ФАРЗАНДЛАР бир фурсат бўлса-да, ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЯПТИ

Авазбек АБДУСАМАТОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Сирдарё вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Айниқса, “Инсон” маркази фуқароларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларга доимий ҳамроҳлик қилиш тизимини муносиб тарзда йўлга қўйган.

Бугунги кунда шаҳарда истиқомат қилаётган 103 минг нафар аҳолининг қарийб 10 минг нафари турли ижтимоий хизматлар билан қамраб олинган. Амалга оширилаётган ишлар фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёжларини эрта аниқлаш ва манзилли қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда.

Ўрганишлар натижасида ижтимоий-иқтисодий хатар мавжуд бўлган 2157 нафар даромади паст фуқаро ҳамда 5 нафар уйсиз шахс аниқланди. Илгари Ижтимоий реестрга киритилмаган 74 та муҳтож оила рўйхатга олиниб, 61 тасига болалар нафақаси тайинланди. Шунингдек, ушбу хонадон фарзандларининг 101 нафари мактабгача таълим муассасаларига, 41 нафари эса турли тўғрақларга жалб этилди.



Комплекс ёндашув асосида “Инсон” маркази тегишли ташкилотларга юборган талабномалар натижасида 13 та оиллага имтиёзли кредит ажратилди, 8 та оила куёш панеллари ва кўчма савдо дўконлари билан таъминланди, 14 та хонадон “яшил таъмир” дастури асосида янгиланди. Энг муҳими, 1,1 минг оила камбағалликдан чиқарилиб, уларнинг 125 тасида жон бошига тўғри келадиган даромад 1,5 миллион сўмдан ошди.

— Шаҳарда ижтимоий-тиббий хатарга эга бўлган юзлаб фуқаролар аниқланиб, уларга зарур хизматлар ташкил этилди, — дейди Гулистон шаҳар “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори. Тохир ШОМИРОВ — Жорий йилда 938 нафар фуқарога ногиронлик гуруҳи белгиланган бўлса, шундан 191 нафарини болалар ташкил этади. Янги тартиб асосида 96 нафар фуқарога ногиронлик мuddатсиз тайинланди.

Шу билан бирга, 33 нафар шахс реабилитация хизматлари билан қамраб олинди, 148 нафар фуқаро протез-ортопедия ва реабилитация воситалари билан таъминланди. Ногиронлиги бўлган болалар учун 4 та маҳаллада кундузги парвариш хизмати йўлга қўйилиб, 55 нафар бола мазкур хизматлардан фойдаланмоқда. “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида эса 71 нафар ўзгалар парварисишга муҳтож шахс қараб туриш хизмати билан қамраб олинди.

Шунингдек, оилавий хатарларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳуқуқий, психологик ҳамда ижтимоий хизматлар кўрсатилиб, уларнинг муаммоларига муносиб ечим топилмоқда.

Инклюзив таълимни ривожлантириш доирасида шаҳардаги 13 та умумтаълим мактабида тўсиқсиз муҳит ва коррекцион хоналар ташкил этилди. Бунинг натижасида инклюзив синфлар сони 30 тадан 33 тага, мазкур синфларда таълим олаётган болалар сони эса 32 нафардан 42 нафарга етди.

Шунингдек, “Инсон” маркази 412 нафар болага васийлик ва ҳомийлик белгиллади, 71 нафар бола “Ёшларга ҳамроҳлик” дастурига жалб қилинди, 17 нафар ёш олий таълим муассасаларига ўқишга имтиёзли равишда қабул қилинди.

Бу каби савобли амаллар бир он бўлсин тўхтаб қолаётгани йўқ. Айниқса, маҳаллардаги ижтимоий ҳодимларнинг ташаббускорлиги ва ғайрати билан одамларда яшашга умид уйғоняпти. Ёнида кўмак берадиган инсонлар борлиги сабаб келажагидан кўнгли туқ.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Оғир ҳаётий вазиятдаги оилалар МАНЗИЛЛИ КЎМАКДАН БАҲРАМАНД

Болалигимдан кўмакка муҳтож одамларга ёрдам беришга ошиқардим. Сабаби, оилада бизга шундай тарбия берилган. Дадам доим “қўлингдан келганча яхшилик қил”, деб уқтирарди. Йиллар ўтиб, айна шу фазилат касби коримга айланди.

Нафиса ЭРМАТОВА,
Бекобод туманидаги
“Бунёдкор” маҳалласи
ижтимоий ходими.



Айниқса, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тўрт нафар фарзанднинг онаси Улбўлсин Суюнованинг турмуш ўртоғи Раҳмат Суёнов узоқ йиллардан буён оғир хасталик сабабли тўшаққа михланиб қолган. Натижада оила оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган.

Хозирда унинг соғлиғи анча тикланди. Соғлом турмуш тарзига қайтиш йўлида даволанишни давом эттиряпти. Оиладаги вояга етмаган 3 нафар фарзанд ўқишдан ташқари, қўшимча тўғрақларга жалб қилинган.

Хонадон вакилларига барча зарурий ижтимоий хизмат ва кўмакларни кўрсатиб келяпмиз. Тадбиркорлар ҳамда саховатпеша ҳомийлар кўмагида озиқ-овқат махсулотлари ва моддий ёрдам мунтазам етказиб берилаяпти.

Шунингдек, “Саховат ва кўмак” жамғармаси дори-дармон билан таъминлади, 2025 йил куз-киш мавсумида электр энергияси ва табиий газ харажатларини қоплаш учун 1 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилди. “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида Улбўлсин Суёнова турмуш ўртоғига каровчи сифатида бириктирилиб, ойлик иш ҳақи оляпти.

2026 йил Рамазон ойида “Вақф” жамғармаси 1 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам берди. Бекобод тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази Ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш бўлими ҳамда “Вақф” жамғармаси кўмагида Раҳмат Суёновнинг тизза бўғими операцияси амалга оширилди.

Хулоса қилиб айтганда, комплекс ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими орқали оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилаларга манзилли ва тизимли ёрдам кўрсатилиб, уларнинг муаммоларини босқичма-босқич бартараф этиш ҳамда муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароитлар яратиб келинмоқда. Мазкур ёндашув фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва жамиятда ижтимоий ҳимояни янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА
тайёрлади.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

Қорақўл туманидаги 15-сон умумтаълим мактабида алоҳида таълим эҳтиёжига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим самарали йўлга қўйилган.

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ: билим олади, руҳан қўллаб- қувватланади



Маълумот учун, 2026 йил 1 июль ҳолатига кўра, Бухоро вилоятидаги 172 та умумтаълим мактабида инклюзив таълим ташкил этилган. Мазкур мактабларда 378 нафар алоҳида таълим эҳтиёжига эга бўлган бола таҳсил олиб, улар учун зарур педагогик ва психологик қўллаб-қувватлаш хизматлари йўлга қўйилган.

Зарнигор НАФИДДИНОВА,
журналист.

Шундай ўқувчилардан бири Шаҳризода Мухаммадқулова бўлиб, у ҳам инклюзив таълимга жалб этилган. Мактабда Шаҳризода каби алоҳида таълим эҳтиёжига эга бўлган болалар билан махсус педагог ва психолог мунтазам ишлайди. Мутахассислар уларнинг индивидуал эҳтиёжларидан келиб чиқиб, таълим жараёнига мослашиши, билим ва кўникмаларини ривожлантириши ҳамда руҳий қўллаб-қувватланишини таъминламоқда.

Инклюзив таълим нафақат алоҳида таълим эҳтиёжига эга бўлган болаларнинг сифатли билим олишини, балки уларнинг жамиятга муваффақиятли мослашувини ҳам таъминлайди. Бу эса ҳар бир боланинг ўз салоҳиятини намоён этиши ва келажақда мустақил ҳаёт кечириши учун муҳим омил ҳисобланади.

Мазкур тизим орқали уларнинг тенгдошлари қаторида билим олиши, ижтимоийлашуви ҳамда ўз қобилиятларини рўйбга чиқариши учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИ 2 ТРИЛЛИОН СЎМГА ЕТАДИ

2026 йил
18 июль,
ШАНБА



СОЛИҚЧИ —
КЎМАКЧИ

ҚИЙИНЧИЛИК ҚОНУНЛАРНИ БИЛМАСЛИКДАН ТУҒИЛАДИ

Ҳар сафар бир тadbиркор: “Буни ил-гари билмаган эканман”, деса, қилган меҳнатимиз беҳуда кетмаганини ҳис қиламан. Йигирма йиллик фаолиятим давомида шуни англадимки, одамлар солиқдан эмас, билмасликдан кўпроқ қийналади. Қонунни тушунган инсон фаолиятини ҳам ишонч билан бошлайди, ҳужжатини ҳам тўғри юритади, солиғини ҳам вақтида тўлайди.



Жавлон ҚОРАЕВ,
Шовот туманидаги “Арча”, “Ипакчи”,
“Узункўл”, “Соёй”, “Тараққиёт”, “Оқолтин” ва
“Қумёп” маҳаллалари солиқ инспектори.

Бизнинг ҳудудимиз, асосан, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо фаолиятига ихтисослашган. Хизмат кўрсатиш соҳасида кам сонли тadbиркор фаолият юр-тади, қолганлари савдо билан шуғулланади. Айниқса, қишлоқ жойларда хали ҳам фаолияти-ни ҳужжатсиз бошлаётганлар учрайди. Аслида, яқка тартибдаги тadbиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, савдо тушумидан атиги 1 фоиз солиқ тўлаш мумкинлигини кўпчилик билмайди. Ана шу од-дий маълумотнинг ўзи айримлар учун янги им-коният эшигини очади.

Буни кундалик фаолиятимизда кўп кузата-миз. Масалан, тadbиркор кичик жой олиб, иши-ни бошлаб юборади, аммо ижара шартномаси-ни расмийлаштиришни унутади. Вақти келиб бирор ҳуқуқий масала юзага чиқса, айнан шу эътиборсизлик муаммога айланади. Ҳолбуки, иш бошидаёқ барча ҳужжатлар жойига қўйилса, кейинчалик ортиқча овора бўлишга ҳожат қол-майди. Янги тadbиркорлар учун бир ой давоми-да солиқ олинмаслиги ҳам беҳиз эмас. Бу вақт уларга фаолиятини қонуний асосда йўлга қўйиш учун берилган имкониятдир.



Шундай инсонлардан бири Холида Исмоилова эди. У савдо дўконини со-тиб олган, аммо пештахтасида санок-ли маҳсулотлар бор эди. Дўкон савдо учун жуда қўлай жойда жойлашган. Сухбат давомида маҳсулотни кенгай-тириш, ҳужжатларни тўлиқ расмий-лаштириш бўйича тавсиялар бердик. Орадан кўп ўтмай, савдоси анча жон-ланди. Маҳсулотлари кўпайди, хари-дорлари ортди. Кейин ўзи келиб мин-натдорлик билдирди.

Ҳудудимизда ер ва мол-мулк солиғи тўлов-чилари 5 минг 196 нафарни, яқка тартибдаги тadbиркорлар эса 228 нафарни ташкил этади. Улар учун “Telegram” гуруҳлари ташкил этилган. Қонун бўйича қарздорга аввал огоҳлантириш хати юборилади. Биз эса бундан олдинроқ қарз-дорлик рўйхатларини гуруҳларга жойлаймиз. Агар қарздорлик 1 миллион сўмдан ошиб, суд-гача бориш эҳтимоли юзага келса, бу ҳақда ҳам олдиндан огоҳлантираемиз. Кўпчилик шу эслат-манинг ўзидаёқ тўловни амалга оширади.

Аслида, бизнинг мақсадимиз кимнидир жаримага тортиш эмас. Фуқаролар солиқни вақтида тўласа, биз ҳам вақтимизни эшикма-эшиқ юришга эмас, одамларни қонуний ишлаш-га йўналтиришга, тadbиркорликни ривожланти-ришга ва маҳалла равнақи учун зарур ишларга кўпроқ сарфлаймиз.

Ер ва мол-мулк солиғининг 15 фоизи, санитария ва ноқонуний қурилиш жарималарининг 10 фоизи, бўш биноларни сотишдан тушган маблағлар, нотураржой солиғининг 5 фоизи маҳаллада қолади. Бу орқали маҳаллалар бюджетига тушум бу йил 1 триллион 600 миллиард сўмга, келаси йилдан эса 2 триллион сўмга етади.

Mahalla №57

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА
ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

Сохта чек ортидан қувиш кимга зарар келтиради?

ТАҲЛИЛ

Бугун кешбэк тизими кўпчилик учун одатий хизматга айланди. Харид қилинади, чек оли-нади, мобиль иловада рўйхатдан ўтказилади ва маблағ қайтарилади. Айниқса, Ижтимоий реестрга киритилган фуқаролар учун бу тизим янада муҳим, чунки уларнинг айрим харидла-ри бўйича ҚҚСнинг тўлиқ суммаси қайтари-лади. Бироқ яхши ният билан яратилган ушбу имкониятдан ноқонуний фойдаланишга ури-наётганлар ҳам йўқ эмас.

Шаҳноза
ХАЛИЛОВА.

резидентимизнинг “Аҳолини ижти-моий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомил-лаштириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги қарори билан Ижтимоий реестрга киритил-ган фуқаролар учун қўшимча имтиёз жорий этилган. Унга қўра, қўй, мол ва парранда гўшти, тухум, ўсимлик ёғи, ун, шакар, дори воситалари ҳамда тиббий хизматлар бўй-йича харидлар учун одатда-ги 1 фоизлик кешбэк эмас, харид нархида тўланган ҚҚС-нинг тўлиқ суммаси қайтариб берилади.

Афсуски, шундай им-кониятдан айрим тadbир-корлик субъектлари ва фуқаролар гараз мақсадда ҳақиқатда амалга оширилма-ган харидлар бўйича фискал чекларни расмийлаштириш ёки бошқа шахсларга тегиш-ли чекларни рўйхатдан ўтка-зиш орқали асоссиз равишда ҚҚС суммасини қайтариб

олишга уринган. Бундай ҳа-ракатлар давлат маблағла-рини ноқонуний эгаллашга қаратилган бўлиб, кешбэк ти-зимининг асл мақсадига зид ҳисобланади.



Масалан, жорий йилнинг май ойида республика бўйича 389 та корхона фао-лиятида шубҳали ҳо-латлар қайд этилди. Натижада Ижтимоий реестрдаги 248,5 минг нафар фуқаро шубҳа-ли харидорлар реес-трига киритилиб, 83,1 миллиард сўмлик кешбэк маблағларини тўлаш вақтинча тўхтатилди.

Худудлар кесимидаги рақамлар ҳам бу муаммо алоҳида ҳолат эмаслигини кўрсатади. Навоий вилояти-да 34,8 миллиард сўмлик, Фарғона вилоятида 34,4 мил-лиард сўмлик, Андижон ви-



лоятда эса 23,8 миллиард сўмлик кешбэк маблағлари текширувлар якунига қадар ушлаб қолинган. Бу рақамларни кешбэк

тизими ишламаяпти, деб тушуниш нотўғри. Аксинча, улар назорат амалиётлари ишлаётганини ва ноқонуний ҳолатлар ўз вақтида аниқла-

наётганини кўрсатади. Асо-сий мақсад — кешбэкни бекор қилиш эмас, балки уни ҳақиқатан ҳам қонуний харид қилган фуқароларга етказишдир.

Шу сабабли фуқаролар ҳам оддий қондаларга амал қилишлари муҳим. “Солиқ” мобиль иловасида фақат ўз-лари амалга оширган харид учун берилган фискал чекни рўйхатдан ўтказишлари, бош-қа шахс берган ёки келиб чиқиши номаълум бўлган чекларни иловага киритмас-ликлари керак. Акс ҳолда, улар шубҳали харидорлар реестрига киритилиши ва кешбэк маблағларини олиш вақтинча чекланиши мумкин. Агар сохта чекларни сотиш ёки харид қилиш ҳолатла-рига дуч келинса, бу ҳақда солиқ ташкилотларининг Комплаенс ва коррупцияга қарши назорат бўлинимала-рига белгиланган тартибда мурожаат қилиш тавсия этилади.

Унутмаслик керак, давлат ажратаётган хар бир сўм субсидия ва кешбэк маблағи муайян ижтимоий мақ-садга хизмат қилади. Ушбу маблағлардан ноқонуний фойдала-нишга уриниш ҳақи-қатан ҳам давлат кўмагига муҳтож фу-қароларнинг манфаат-ларига путур етказиши. Шу сабабли кешбэк тизимидан фақат қонун-чиликда белгиланган тартибда ва ҳалол фой-даланиш хар бир фуқа-ронинг масъулиятидир.



ҚУЁШ ПАНЕЛИ СУБСИДИЯСИНИ ҚАНДАЙ ОЛИШ МУМКИН?

БИЛАСИЗМИ?

Кам қувватли қуёш панелларини ўрнатиб, ўз эҳтиёжидан ортиқча ишлаб чиқарилган электр энергиясини Ягона электр энергетика тизимига узатган жисмоний шахслар хар бир 1 кВт./соат учун 1 000 сўм миқдорида субсидия олишлари мумкин.

Сожида ЭШМАТОВА.

Бунинг учун “Солиқ” мобиль иловасининг “Кешбэк ва имтиёзлар” бўлимидаги “Қуёш-ли хонадон” хизмати танланади. Сўнг хонадоннинг кадастр рақа-ми белгиланиб, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси тўғри-дан-тўғри аниқланади, истеъ-молчи ҳисобрақами киритилиб, ариза юборилади.

Ариза қабул қилингандан сўнг, фойдаланувчи илова орқа-ли қабул қилинган ва электр тар-моғига узатилган электр энер-гияси ҳажми, уларнинг ўртасида-ги фарқ, тушушлар тарихи ҳамда ойлар кесимидаги субсидия маълумотларини кузатиб бори-ши мумкин.

Субсидия хар ой якунида жисмоний шахс истеъмол қилган ва Ягона электр энергетика тизи-мига узатилган электр энергияси ҳажми ўртасидаги ижобий тафо-вудан келиб чиқиб ҳисобланади ҳамда кейинги ойнинг 25-сана-сига қадар “Солиқ” мобиль ило-васи орқали тўлаб берилади.

Тўланган субсидия маблағи-ни “Кешбэк ва имтиёзлар” бў-лимидаги “Қуёшли хонадон” хизмати орқали банк картасига ўтказиб олиш мумкин.

Сабриддин
КАМОЛОВ.
Самарқанд
вилояти:

— Мен кўп тар-моқли поликли-никада шифокор бўлиб ишлайман. Эшитишимча, 2026 йилдан бош-лаб, шифокорлар айрим давлат хизматлари учун тўловларни 50 фоиз миқдори-да тўлар экан. Шу имтиёз уй-жой ва мол-мулк солиғига ҳам тат-биқ этиладими?

Фаррух БОБОЕВ,
Самарқанд вилояти давлат
солиқ бошқармаси бошлиғи:

— Сиз эшитган 2026 йилдан тиб-биёт ходимлари учун айрим давлат хизматлари бўйича тўловларнинг 50 фоиз миқдорида ундирилиши давлат хизматлари учун тўловлар-га тааллуқли бўлиб, солиқларга

нисбатан қўлланилмайди. Яъни ушбу имтиёз айрим давлат хизмат-лари, давлат божлари ёки нотариал хизматлар учун тўловларни камай-тиришни назарда тутади, бироқ уй-жой (мол-мулк) солиғи ёки ер со-лиғи суммасини 50 фоизга камай-тиришни англамайди.

Мол-мулк ва ер солиқлари Со-лиқ кодекси билан тартибга соли-

нади. Жумладан, мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар кодекснинг 421-моддасида, ер солиғи бўйича имтиёзлар эса 436-моддасида бел-гиланган. Амалдаги қонунчиликка қўра, тиббиёт ходимлари учун ушбу солиқларни 50 фоиз миқдорида тўлаш ёки уларга алоҳида солиқ имтиёзи берилиши назарда тутил-маган.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



ПРОФИЛАКТИКА
ИНСПЕКТОРИГА
ЁНКАМЕРА БЕРИЛАДИ

Жиноятчиликни жиловлашга масъул илмий ташкилотлар билан бирга, намунали маҳаллалар тажрибаси асосида методика ишлаб чиқилади. Профилактика инспекторларига ёнкамералар бериш амалиёти йил якунигача Наманган вилоятида тўлиқ, қолган ҳудудларда эса криминоген вазияти оғир бўлган 448 та маҳаллада йўлга қўйилади.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

“МАЖЛИСЛАРДА ЭМАС,
МАҲАЛЛАДОШЛАР ЁНИДАМИЗ”



Сир эмас, яқингача вази-
фаси кўп, ваколати йўқ
ходим ҳисобланардик.
Оддий оилавий жанжал
ёки тартиббузарлик со-
дир этилса, воқеа жойига
бориб, вазиятни юмша-
тишдан нарига ўта олма-
дик. Қўлимизда на аниқ
бир ваколат, на ҳуқуқий
асос бўлган. Аксинча,
тонгдан кечгача тинимсиз
мажлисбозлик, қоғозбоз-
лик ва бизга мутлақо
алоқаси бўлмаган ортиқча
топшириқлар гирдобида
қолиб кетардик.

Бахтиёр ЁДГОРОВ,
Ромитан тумани
Алишер Навоий номидаги
маҳалла профилактика
инспектори.

Бугун эса давр ўзгарди,
тизим тубдан янгиланди.
Энди профилактика инспек-
тори ҳудудининг чинакам соҳиби
ва қонуний ҳимоячисига айлан-
моқда. Қоғозбозликдан амалий
натижага ўтапмиз. “Инспектор-
нинг ўрни мажлисда эмас, маҳал-
ладошларининг ёнида”, деган
қараш шаклланди.
Жумладан, бизнинг маҳалла-
да ҳам замонавий ёндашув йўлга
қўйилди. Кўчалар 90 та видеокуза-
тув мосламаси билан жиҳозланди.
Улар хизмат хонамга уланган.



Ушбу сон саҳифаларидаги
барча мақолалар
матнини мусаввир
Феруза ФУЗАЙЛОВА
ўқиди.

Аҳоли “Менинг инспекторим” иловасидан
фойдаланяпти. Бу янгиликлар сабабли жорий
йил “сарик” тоифадан “яшил” тоифага ўтдик.
Жиноятчиликдан холи ҳудудмиз. Вазият бўйича
аниқ “ташхис” қўйиб олганмиз.

Қайси хонадонда қандай му-
аммо бор, қайси ёш назоратда
турибди — ҳаммасини аввалдан
билиб, профилактика ишларини
тўғри ташкил қиляпмиз. Бу эса
кундалик қийинчиликларимизни
кескин камайтирди.
Яна бир муҳим янгилик —
“Ички ишлар органлари профи-
лактика инспекторининг мақо-
ми тўғрисида”ги қонун қабул
қилиниши кутиляпти. Унга кўра,
қўшимча ваколатларга эга бўля-
миз. Масалан, илгари кўчада
кимдир одам ташиш қондасини
бузса, бошқаси темир йўл ке-
сишмасидан хавфли тарзда ўтса,
ҳужжатсиз машина бошқариб,
одамлар ҳаётини хавфга қўйса,
чора кўра олмас эдик. Йўл-пат-
руль хизмати ходимини кутар-
дик. Энди профилактика инс-
пекторига йўл ҳаракати қоида-
бузарликларига нисбатан тўғри-
дан-тўғри чора кўриш ваколати
берилляпти. Яъни, одам ташиш
қоидаларини, темир йўл кесиш-
маларидан ўтиш тартибини бу-
зиш, ҳужжатсиз автомашина бош-
қариш каби ҳолатларда жойида
қонуний чора кўра оламиз. Бу
билан маҳалла ичиндаги аянчи
йўл-транспорт ҳодисаларининг
вақтида олди олинади.
Бундан ташқари, илгари
маҳалла четиға қонқонуний чиқин-
ди тўқаётган ёки дарахтларни
бешафқат кесаётганларни кўрсак,

соҳа вакилиға хабар беришдан
нариға ўтолмасдик. Энди маҳал-
ланинг ариғиға оқова сув оқизаёт-
ган ёки ҳавони заҳарлаётган ким-
са бўладими — жойида баённома
расмийлаштирамиз.



Бир сўз билан айтганда,
муаммоға ечим топишда
“Бу менинг ишим эмас”,
деган қараш эскирди.
Ҳар хил тарқоқ вазифалар
ўрниға “ягона ваколат”
тизими йўлга қўйилди.

ЖИНОЯТЛАР
ИЛМИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ЖИЛОВЛАНЯПТИ

Ҳар биримиз ишдан, ўқишдан ёки узоқ сафардан
уйға қайтаётганда, қалб хотиржамлигини хоҳлаймиз.
Тўқчилик, файз ва осойишталик ҳукм сурган маҳалла —
жамиятнинг энг мустаҳкам устунидир. Бироқ бугунги
тезкор замон, шаҳарлашиш ва технологиялар ривож
жиноятчиликнинг ҳам шаклини ўзгартирмоқда.

Алишер АБДУҒАФФОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Криминология тадқиқот
институтини марказ бошлиғи,
подполковник.

Эндиликда маҳалла хавф-
сизлигини фақатгина
тунги навбатчиликлар ёки кўча-
ларға ўрнатилган оддий тўсиқлар
билан тўлиқ таъминлаб бўлмай-
ди. Бугунги кун биздан мутлақо
янгича — тизимли ва илмий ён-
дашувни талаб қилмоқда. Жиноят
содир бўлганидан кейин унинг
оқибати билан курашиш эмас,
балки илм-фан ютуқлари, руҳий,
ижтимоий ва рақамли таҳлиллар
ёрдамида жиноятнинг түб илди-
зини олдиндан кўра билиш ва
уни бартараф этиш давр талабига
айланди.
Айни шу мақсадда “Респуб-
лика маҳаллаларида хавфсиз
муҳитни яратиш йўналишида
яхлит манзилли ишлаш тизи-
мини жорий этишға қаратилган

қўшимча чора-тадбирлар тўғри-
сида”ги Президент қарорига
кўра, жиноятчиликнинг олдини
олишда илмий ёндашув йўлга
қўйилди. Жумладан, Криминоло-
гия тадқиқот институтига Тош-
кент вилоятининг уч йил даво-
мида “қизил” тоифада сақланиб
келаётган 13 та маҳалласи бири-
тирилди. “Илмий ҳулоса – тав-
сия – натижа” тамойили асосида
иш ташкил этиб, қисқа фурсатда
яхши натижаға эришилди.

Мутахассислар иштиро-
кида 3 йиллик жиноятлар
таҳлил қилиниб, сабаблари
аниқланди, тавсиялар тақ-
дим этилди. Шунингдек, “Ме-
нинг инспекторим”, “Маҳал-
лада криминоген вазиятни
баҳолашнинг янги тизими”,
“Маҳаллани камералашти-
риш”, “Жиноят муҳокама-
сини ўтказиш”, “Ижтимоий
профилактика” мавзуларида
илмий-методик қўлланмалар
ишлаб чиқилди. Ижтимоий
тадқиқот асосида аҳоли му-
аммолари ва уларнинг “етти-
лик” фаолиятиға муносабати
ўрганилди. “102” хизматига
келиб тушган муурожаатлар
таҳлил қилиниб, муаммол
ҳудудларда патруль хизмати
шакллантирилди.



ЖАРАЁН

Натижада 2026 йилнинг би-
ринчи ярим йиллиги якуниға
кўра, 13 та маҳалланинг 5 таси
“яшил”, яна шунчаси “сарик”
тоифаға ўтди. Қолган маҳалла-
ларда ҳам криминоген вазият-
ни барқарорлаштириш бўйича
ижобий ўзгариш кузатилди.

Афсуски, жараёнда айрим
тизимли камчиликлар ҳам
аниқланди. Жумладан, “Эйва-
лек”, “Кичиксой”, “Марказий”,
“Обод”, “Ўртасарой”, “Қорасув”,
“Қайилма” маҳаллаларида жи-
ноятларнинг сабаб ва омилла-
ри тўлиқ таҳлил қилинмаган.
Айрим маҳаллаларда иккин-
чи чорак учун қабул қилинган
“Йўл хариталари”нинг ижроси
қониқарсиз.

Шу боис янада самарали
иш ташкил этиш мақсадида
тақлифлар ишлаб чиқдик. Жум-
ладан, айрим маҳаллаларда
содир этилган жиноят бўйича
криминологик таҳлилни маж-
бурий тартибда амалға оши-
риш белгиланди. “Маҳалла ет-
тилиги” фаолиятини КРП кўрсат-
кичлари асосида баҳолаш ти-
зимини жорий этиш, тадқиқот
натижаларини профилактика
режаларига боғлаш, “102” му-
урожаатлари асосида криминоген
хариталарни доимий янгилаб
бориш лозим. Шунингдек, ил-
мий ташхис асосида хавф юқо-
ри маҳаллалар учун алоҳида
профилактика модел ишлаб
чиқиш, криминологик таҳмин-
лашнинг рақамли шаклини
яратиш, сунъий интеллектдан
фойдаланиш, илмий муассаса-
лар ва ҳуқуқни муҳофаза қилу-
чи органлар ўртасида маълум-
отлар алмашинувини рақам-
лаштириш ҳам самарадорлик-
ни оширади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Шерали НОСИРОВ.

Учкўрғон тумани:

— Транспорт воситасини
сабабсиз сирпантириш
(дрифт) ва шунга ўхшаш
ҳаракатлар учун қонунда
қандай жавобгарлик бор?

“ЙЎЛ
БЕЗОРИЛИГИ”
УЧУН ҚАНДАЙ
ЖАВОБГАРЛИК
БОР?

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,
Ички ишлар вазирлиги
Жамоат хавфсизлиги
департаменти ахборот
хизмати ходими:

— Бу саволға Маъму-
рий жавобгарлик тўғри-
сидаги кодексда батафсил
жавоб берилган. Унга кўра,
бошқа транспорт воситала-
рининг ҳаракатиға қасддан
тўсқинлик қилиш, ҳаракат
бурчагини ва (ёки) тезли-
гини сақлаган ҳолда транс-
порт воситасини сабабсиз
сирпантириш (дрифт), ўз
йўналишида ҳаракатланиш
бўлагини сабабсиз кескин
равишда уч ва ундан ортиқ
марта узлуксиз ўзгарти-
риш (бундан махсус ажра-
тилган жойларда содир
этиш мустасно) ҳуқуқбузар-
лик сифатида баҳоланади.
Шунингдек, йўл ҳаракати
иштирокчиларининг хавф-
сиз ҳаракатланишиға таҳдид
солувчи ёки бошқа ишти-
рокчиларға нисбатан хур-
матсизликда ифодаланган
бошқа хатти-ҳаракатларни
намойишқорона содир этиш
тақиқланади.



Бундай ҳуқуқбузарлик-
лар транспорт воситала-
рини бошқариш ҳуқуқидан
бир йилдан икки йилгача
муддатға маҳрум қилиш,
базавий ҳисоблаш 25 бара-
вари миқдорида жарима
солишға сабаб бўлади.

Агар ҳудди шундай
ҳуқуқбузарлиқни транспорт
воситаларини бошқариш
ҳуқуқи бўлмаган ёки транс-
порт воситаларини бошқа
иш ҳуқуқидан маҳрум этил-
ган шахс содир этса, БҲМ-
нинг 50 баравари миқдори-
да жаримаға тортилди ёки
15 суткагача муддатға маъ-
мурий қамоққа олинади.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмасининг ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY
NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарк» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 324 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-720

